

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА

## МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК!

Сирожиддин САЙИД

### ВАТАННИ ЎРГАНИШ

Мен Ватанни на китоб, на  
Жаридадан ўрганганман.  
Момоларнинг юзидаги  
Харитадан ўрганганман.

Боболарнинг таёғи  
Чориғини кўргандайман,  
Мен Ватанни сўрилардан,  
Сўқмоқлардан ўрганганман.

Кинолармас, бул Ватанни  
Минорлардан ўргандим мен  
Оқ датталар ҳиллираган  
Чинорлардан ўргандим мен

Хонақоҳлар. Офтобалар.  
Кетавердим. Кетавердим.  
Ҳар тоғида бир авлиё,  
Шул ҳикматга етавердим.

Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.  
Адир жанга дурри Адаи?  
Селинг мени сел этгуси,  
Элинг мени эл этгуси.

Бу тепалар, қум тепалар  
Остидаги тарих қадар  
Сукунатинг кўрганда мен,  
Сукунатни ўргандим мен.

Оқшом ярим ойинг кўриб  
Кафтларим юзга суртаман.  
Бир жисму юз минг руҳдаман.  
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан!

Боғинг кўриб мен боғ бўлдим,  
Доғинг кўриб ўртандим мен.  
Сени афғон элдан келган  
Тобутлардан ўргандим мен.


Пушталарда қолиб кетган  
Кўнглим экандирсан, Ватан!  
Елғиз онам, паршонҳол  
Синглим экандирсан, Ватан!

Мен кўксимда қумдай ёнган  
Ёдларга виро айтаман.  
Емғирларингда кетаман,  
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан!

Қанча ғамга мақбар дилим  
Мақбар кўрсам қақрар дилим.  
Енғин бўлур жон ила тан,  
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Кетавердим. Ен-веримдан  
Кўёшли ҳар томонлари  
Нурлар сочиб ўтаверди  
Бу уйлارнинг айвонлари.

Ҳар кун кўриб, билиб сенга  
Қайта-қайта етавергум,  
Ватан, мангу армон Ватан,  
Айта-айта кетавергум!



Жумабой ҚОЗОҚ, Абдул Ғани ЖУМА суратлари

## ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАН СЎЗ

Қадри нон билан ҳаводек азиз каломлар ҳар бир халқ, миллат тилида саноқлидир. Моҳият-мазмун жиҳатидан бундай сўзлар бутун бир халқнинг тақдирини, дунё миқёсида тутажак ўрнини, энг муҳими, қавмнинг ким эканлигини кўрсатиб туривчи кўзгу саналади. Янада аниқроқ қилиб айтсак, битта сўз халқнинг пешонасида порлаб туривчи юлдузга айланиши мумкин.



Азиз муштарий! Сизларни пешонангизда порлаб турган чароғон юлдуз — мустақиллик машъали билан қутлаймиз. Икки йилдирки, Ватанимиз осмонини ёритиб турган ушбу калом шуъласи тобора ойдинлашаверсин. Ушбу табаррук сўзнинг қадри доимо мўътабарлигича қолсин. Уни муомалада қўллар эканмиз, масъулият ҳисси бизни ҳеч қачон тарк этмасин.



# «САЛАМАНДРА»НИНГ САРГУЗАШТИ

Барча қизиқ воқеалар сингари бу саргузашт ҳам поезда бўлиб ўтганди.

Тошкентга поездининг очик вагонидан (пласткарт) жой текканга хурсанд бўлиб келаётгандик. Талаба эмасмизми, пўрим кийиниб олганмиз. Мен ва ўртоғим юқори ўринларга жойлашдик. Пастки ўринга эса (чипталарига қараб) иккита қиз келиб ўтиришди. Поезд салқин оқшомнинг — кенг даланинг қоқ ўртасидан пичқириб бормоқда. Шом оёқлаб қолган, атрофга қоронғулик чўкканди. Ўртоғим иккаламиз ўша кун катта акамизнинг ҳашаридан чарчаб чиққанмиз. Хуллас, ечиниб ўринларга чўзилдик. Уст кийимларни илиб, туфлиларимизни йиғма столча тагига ечиб қўйдик. Меники «саламандра» эди. Ҳалиги икки қиз аёлларга хос қувлик билан узоқ суҳбатни бошлашди. Уларнинг олдига икки қорувли йиғит (сабоқдошлари бўлса керак) ҳол сўрагани кел-

ди. Биз чарчоқ таъсирида уларнинг говур-говур гурун-гига ҳам эътибор бермай ухлаб қолибмиз.

Тошкентга етишимизга бир ярим соатча қолганда уйғониб кетдим. Энди буёғига ухлаб бўлмайди. Туриб, юз қўлимни ювиш учун кийиндим.

Жойидан туриб туфлини кийиш учун йиғма столча тагига энгашиб... не кўз билан кўрайки, «саламандра»м йўқ эди!

Қизларнинг ҳам изи ўчган. Кўнглимга шубҳа қуюни боштириб кирди. Кечаги икки йиғит бекорга келмаган эканда! Қизлар-чи, қизлар?! Қарерга ғойиб бўлишди, бирдан?! Жаҳл устида сўкиниб юборибман. Ўртоғим ҳам уйғониб кетди.

— Ҳа, ҳа. Нима гап?

— Туфлини ўғирлаб кетишибди.

— Йўғ-ей?!  
— Сеники жойида. Фақат меникини...

Бизнинг шовқиндан тўғридаги отахон билан амаки ҳам уйғониб кетишди. Энди нима қилдим?! Қизларни қайдан топанам?! Рухим тушиб кетди. Мени кўриб ўртоғим ҳам чапанни эмасми бақира кетди:

— Қани у...

Шу пайт орқа тарафидан вагоннинг «чети»дан келаётган бояги қизлардан бирининг таниш овози эшитилди:

— Кечирасиз, мен туфлигингизни кийиб...

Ҳангу мийиб бўлиб қолдим. Ҳайратдан... оёғидаги менинг туфлим эди... Беихтиёр қизларга:

— Ҳай, майли... деб юборганимни билмайман. Атрофдагилар мендан кулаётгандек эди. Қолган йўлни бир амаллаб «чалпа қараб» ўтказдим... Энди поездга чиқсам албатта, «саламандра»ни киймайдиган бўйдим.

**А. ШОЙИМОВ,**  
Чироқчи тумани  
Хонтепа қишлоғи

## Етти кун

### ҚУШАЛОҚ... ҚУШАЛОҚ... ҚУШАЛОҚ!!!

Шаҳрисабзда эъизак Ҳасан-Ҳусанлар уйланишди. Бир уйда қўшалоқ... тўй... қувонч... Қаршида, Абдурахмоновлар хонадониде опа-сингил Манзура ва Маҳфузахонлар келин бўлишди. Ва яна қўшалоқ тўй...

Кичик сарлаҳдаги охириги қўшалоқ сўзига изоҳ ва энг муҳими: висол кечаси бир бўлди, яъни икки йиғит — икки опа-сингилларнинг кўнглилари боғланди.

### ХҲРОЗЛАР ТУНДА ҚИЧҚИРМОҚДА

Шундай. Тошкентнинг Кўкчасида бобоҳўрозлар ва жўжа-хўрозлар туннинг қоқ ўртасида ҳовлиларни тожигга (бошигамас) кўтариб қичқирмоқда.

Хўроз соҳиблари дўқ қилишдан нарига ўтмаяпти. Ҳозирги гўшт фалон пул пайтда «бевақт қичқирган хўроз» ҳақидаги гап ҳам эскирганга ўхшайди, назаримизда.

### ШИША МОШИН

Пойтахтнинг «Отчопаридидаги савдода антиқа мошин «иштирок этди». Енгилорур фирмасининг исми ҳам «антиқа»лиги учун муҳбиримизнинг ёзишга «тили келмади».

Кабиналари шишадан бўлган мошин 18 милён рублга нархланди ва сотилмай, фақат томоша бўлди.

### МУМКИН ЭКАН-КУ!..

Муҳбиримиз ишга кечикиб, ҳаяжон билан кириб келди. Ва бирдан мумкин экан-ку, деб юборди. Сабабини биласак: ёш муҳбиримизнинг дўсти Сайид ҳеч иккиланмасдан иккинчи йилги бир тийинсиз ва таниш-билишсиз Биринчи Тошкент Давлат Тиббиёт олийгоҳи талабаси бўлибди. Бу, албатта, тест синовларининг адолатли ўтганига митти бир мисол, холос.

### ҲОКИМ ЕШЛАРГА ЕНДОШСА...

Избоскан туманининг янги ва ёш ҳокими Сайдулла Беғалиев илк ишини ёшлар билан очик ва ошқора мулоқотдан бошлади. Дастурхон устида ҳоким дангалига: «дўстларча гаплашайлик», — деди. Ва йиғилиш охирида «барибир, кўнглиларнингиздаги ярим гапни билолмадим, бироқ билб оламан», дея қулиб қўйди.

Дарвоқе, шу туман бозоридидаги нарх бошқа жойлардагидан 30 фоз арзон.

### ШВАРТСЕНЕГГЕР ЎЗИМИЗДА

Чироқчилик жанобининг трактори тепаликка чиқаётиб юниб қолди. У шартта тормозни босди-ю, тушиб қараса моторнинг аҳволи чатоқ. Эй, буёғи қандоқ бўлди! Бунақа жойда тўхтаб туриш хавфли. Бироқ жаноб [таваккалчи эмасми] иккиланди-ю, орта тисарилиб каттакан 28-тракторни қияликдан бир ўзи итариб, текис йўлга чиқариб олди.

Кейин маълум бўлдики, «полвон» Швартсенеггернинг саргузаштлари ҳақидаги ҳақолани ўқиб бораётган экан.

### МУҲБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ган.

Отам болалигимизда ўзи туғилиб ўсган юрти — Мойбулоқни жуда кўп таърифларди. «Баҳор келса, Мойбулоқ таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади. Афсонавий тусга киради. Табиат қанчалар фусункор, қанчалар жозибали, ўтли бўлиб кўрилади. Қир-адирларнинг чўгдек лола-қизғалдоқларидан кўзлар қувонади». Улими олдидан ҳам Мойбулоқни бир бор кўрсам деган эди, армонда кетдилар.

...Отажон, синглим Нозигул сизни кўп сўроқлайди. Онам эса «келади» деб алдайди. Нозигул гоҳида кўп-рик устига ўтириб олиб Сизни интиқ бўлиб кутар, қоронғи тушгач йиғлаб-йиғлаб уйга кирарди. Йиллар ўтди. Баҳорлар кетидан ёзлар келди. Эсингиздами, ота. Ҳовлимизда асалари қутилари бўлиб, сиз асал олардингиз. Асалнинг тагини бизга берардингиз. Қарсиллатиб ердик. Яна ажойиб кичик боғимиз бор эди. Узум, анор, анжир, олма, олмурут навларининг тури билан. Сиз кетгач, нимагадир ҳаммаси секин-аста қуриб қолди. Худди боғбонига азда тутгандай...

Онам менинг туғилган кунимни ҳанузгача ширин бир энтиқиш ила эслайди. Отам онамнинг номи ўчмасин, «Хонбуви қўямиз» деган эканлар. Уша кунги қизим кўради деб Самарқанддан телевизор олиб келибди. Ҳозир ҳам бор ўша телевизор. Отамнинг қўллари теккан деб асраб-авайлаб қўйибмиз. ...Яқинда ноғохон онам-

нинг қўлида суратингизни кўриб қолдим. Эскириб кетган. Бармоқлари титраганча менга узатди:

— Ма, қизим, катталаштир, йўқолмасин!

Худди онам айтгандай қилдим. Ўзингизни онам билан, ўзим билан ёнма-ён қилиб катталаштирдим.

Афсус, сурат-сурат эканда. Қучоғим ҳам, уйимиз ҳам тўлмади.

Эсингиздами ота, ишдан келиб, мени тиззангизга ўтқизибди овқатланардингиз. Шейр ўргатардингиз:

*Қўшигим қўшиқ,  
Томоғим тешиқ,  
Бир парча нон берсанг  
Айтаман қўшиқ.*

Ҳозир гоҳида овқатланаётиб шу ўргатган қўшиғингиз ёдимга тушаверади. Айтаман дейману айтолмайман. Бўзимга нимадир текилади...

Туш кўраман. Тушларимда отажоним сочларини сийпа-лаб уйғотади. «Турақол энажоним, анор бераман, асал олиб бераман». Ширин энтиқидан кўзларини очаман. Тепамда ҳеч ким йўқ. Охиста кўзларимни юмаман. Зора тушимда бўлса ҳам отажонимни кўриб турсам. Овозларини эшитсам. Яна секин кўзларимни очаман. Бошим жикқа ҳўл...

Узоқ-узоқлардан сочлари жингалак қизанинг мунгли ноласи қулоғимга чалингандай бўлаверади:

*Бугун бозорга ўхшайди,  
Етишлар зор-зор қақшайди.  
Етишнинг ҳолини сўрсанг,  
Отаси йўққа ўхшайди.*

Хонбуви ҲИММАТ ҚИЗИ



## ОТАМГА ЖЎНАТИЛМАГАН ХАТ

Отажон, мени қийнаётган нарса, камолимизни кўролмай бевақт кетганингиз. Ахир 44 ёшни «қирчиллама ёш» дейишадими-ку?! Синглим Нозигул лоқал сизни бир маротаба кўрмаган. Чунки у сизнинг «қирқингизда» туғилди-да. Бир кун боғчадан йиғлаб келди:

— Нимага Назокатни отаси боғчадан олиб кетадию, менинг отам келмайди? Нега бизни соғинмайди? Мен иккала қизим билан соғиндим. Эна, айтинг тезроқ келсин!

Онамнинг тюрраги тилка-пора бўлди. Фақат унсиз йиғлайди. Ҳаммасига уша Файзуллин дўхтир айбдор. Вақ-

тида айтганида балки кўричаги ёрилмасмиди...

Ҳануз кечагидек эсимда. «Сув, сув» — дея қаравотда инграб ётишингиз. Катта энам бўлса озгингизни дока билан намлаётгани. Мен эса сизга сув бераман деб, онамнинг аччиқ фарёидан қўлимдаги пиллани тушириб юборганим. Тобутингиз орқасидан югурганим... Ҳамон кўз олдимда...

Отамни қишлоғимиздагиларнинг, деярли, ҳаммаси танийди. Номларига «уста», «ошпаз» сўзини қўшиб айтдилар. Норхол холанинг турмуш ўртоғи тушқанда ётганларида отам тоғдан гиёҳ то-

пиб келган эканлар. Ҳалигача шуни гапириб юради. Каттаю кичикка доим қўлидан келганча ёрдамини аямаскан. Отам далада эвено бошлиги бўлиб ишлар, аъзоларига қаттиқ гапирмас, ишларидан кўнгли тўлмас «опажон, бу ишни бундай қилсак яхши бўлармиди» — дея йўлини кўрсатиб бераркан.

Эрта етим қолган отамнинг ёшлиги Бировларнинг эшигиде ўтган. Қўшрабодта юриб-юриб, охири Иштихоннинг Қорахон деган қишлоғига келиб қолган. Абдуламеад аканинг қўлида подачилик қилган. Катта энам отамни «кичкўва» қилиб ол-

# ПАНЧАТАНТРА

Утган сонда Хираня [сичқон] ҳикоясини бошлаётганда тўхтаган эдик. Демак, Хираня ҳикоя қилди.

## ИККИНЧИ ҲИКОЯ

— Жануб мамлакатида Прадаропя деган шаҳар бор. Бир маҳаллар унинг атрофларида Махешвара ибодатхонаси бўларди. Шу ерда роҳиб Бутакарна ўз ҳужрасида ночор кун кечирарди. У тиланчилик қилар ва унинг косасини турли лаззатли ноз-неъматлар, мой, қанд-қурс, ширинликлар, қиём ҳамдананор шарбатига тўлдириб берардилар. У ҳужрасига қайтган, улардан керагича истеъмол қилар, қолганларини идишга солиб, қозикча осиб қўяр, уни эрта билан хизматкорлар олиб кетар эдилар. Мен ўз биродарларим билан шу ҳужрада истиқомат қилардим. Кунлар шундай ўтарди. Идишни доим баланд қозикча илиб қўйишларига қарамай, мен барибир унга чиқиб овқат ердим. Бундан роҳибнинг гаши келар, ниҳоят бир кунги тоқати тоқ бўлиб, идишни бошқа баландроқ жойга осиб қўйди. Лекин мен у ерга ҳам осонгина чиқиб, тўйгунча овқат ердим. Ниҳоят бир кунги ҳужрага дарвеш Брихатспхиг келди. Бутакарна уни яхши кутиб олди, ҳурматини жойига қўйди. Ва ҳорғин йўлчи чарчогини чиқарсин, деб хўп хизмат қилди. Қоронғи тушгач, улар бир тўшакка чўзилиб, бир-бирларига имон йўлига оид ҳикоялардан сўйлаб бошладилар. Бу орада Бутакарнанинг фикри-ёди мендан қандай қилиб қутулишда эди, у дам-бадам қўлидаги қамиш таёғи билан овқат солинган идишни туртиб қўяр, Брихатспхигнинг такводор ҳикоясига ўринли-ўринсиз сўз қўшарди. Ниҳоят, меҳмон буни сезиб қолиб, қаттиқ хафа бўлди ва жаҳл билан деди:

— У Бутакарна! Мен билан дўстликдан кўнглинг совуғанлигини кўриб турибман, суҳбатимизга қулоқ солмай қўйдинг. Шунинг учун ҳозир кечаси бўлишига қарамай ҳужрангни тарк этаман ва бошқа ерга кетаман. Ахир, айтганлар-ку:  
**Қучоқ очиб кутмасалар,  
бизга чиқиб пешвоз,  
Карамли сўз айтмасалар,  
у ерга бормаган яхши.**

Сен ҳужра эгаси бўлиб, гўрурланиб кетибсан, дўстингдан юз бурибсан. Сенинг караминг мунофиқликдан бошқа нарсасиз эмас, сенинг асл жойинг жаҳаннамнинг ўзи-ку! Тентак! Йиғлаш керак бўлган жойда сен керилиб ўтирибсан.

Бу сўзларни эшитиб, Бутакарнанинг юраги кўркүвдан ўйноқлаб кетди ва шундай жавоб берди:

— У мухтарам зот! Ундай дема. Менинг сендан ўзга дўстим йўқ. Ҳозир сенга паришонлигим боисини айтиб бераман. Мен озуқа идишини қанчалар баланд илиб қўймай ҳар кунги сичқон чиқади ва менга садақа қилинган таомларнинг қолганини ейди. Оч қолган хизматчилар эса ҳужрани йиғиштирмайдилар ҳам бошқа ишларни адо этмайдилар. Мана шунинг учун ҳам, мен сичқонни кўрқитай деб, дам-бадам қамиш таёғ билан садақа идишга уриб ўтирибман. Хаёлим қочишининг бошқа сабаби йўқ. Бу баттол қандай қилиб мушук ва маймунлардан ҳам баланд сакрайди, ҳеч билолмайман.

Брихатспхиг сўради:  
— Унинг ини қаердалигини биласанми?

Бутакарна жавоб берди:  
— Билмайман, эй мухтарам зот. Дарвеш деди:

— Унинг ини хазина устида жойлашган бўлса керак, хазинадан қаттиқ ҳарорат чиқади — шунинг учун у ана шундай баланд сакрайди.

Ахир айтилган-ку:  
**Кўп пул йиққан баланд  
парвоз қилади албат,  
Бор мулкни бўлиб берган  
парвоз қилар яна баландроқ.**

Ва яна:  
**Қани, нега Шандили, хўш,  
оқланмаган кунжўтини  
Алмашди тозаланганга!  
Алдамоқчи бўлди ким!**

Бутакарна сўради:  
— Бу қандай юз берди?  
У ҳикоя қилди:

## УЧИНЧИ ҲИКОЯ

— Кунлардан бир кун бир шаҳарда бўлар эдим. Емғир фасли эди, бир брахмандан бошпана сўрадим. У менга меҳмоннавозлик қилди ва унинг уйида турдим, худонинг иши билан шуғулландим, ўз вазифамни бажариб юрдим. Бир кунги эрталаб барвақт уйғондим, уй эгаси билан хотини ўртасида шундай гапни эшитдим. Брахман деди:

— Эй, брахманнинг хотини! Бугун қуёш ёзги қароргоҳига кириди, у кўп яхшилиқлар олиб келади. Қишлоққа бориб, одамлардан хайру садақа қабул қилайин. Сен эсанг, шу байрамга

биронта брахманни зиёфат қил.

Хотин буни эшитиб, бобиллади:  
— Узинг ночор брахман бўлсанг, сенга зиёфатни ким қўйибди? Уялмайсанми шундай дегани? Ахир ўзинг ўйлаб кўр:

**Хийла замон хотинингга қарам  
айламас тақдир,  
Қорним тўйиб овқат емай,  
янги либос ғамин ейми!**

Икки қайта туғилган буни эшитиб, хавотирга тушди:

— Ундай гапирма.  
**Ким бермайди сўраганга  
жилла курса бирор бурда нон!  
Топиларми шундай бойлар —  
бойроқ бўлай деб ёнмаган!**

Баъзилар яна айтадиларки:  
**Истакларни ўлдирма кўп —  
бўлма ҳаддан зиёд очкўз  
Очкўз бўлса киши гоҳ  
қуринар бошида пўпак.**  
Брахман хотини сўради:  
— Бу қандай юз берди?  
Брахман ҳикоя қилди:

Таржимон Иброҳим ҒАФУР

Давоми келгуси сонда



# ЙИГИТНИНГ ИШИМИ БУ?

## АЕЛ ГУЛГА УХШАЙДИ, ЭРКАЛАСА ОЧИЛАВЕРАДИ

... Назира одобли оғир-босиқ қиз. Унинг турмушга чиқаётганини эшитганларнинг ҳаммаси хурсанд бўлди.

Мен қув ёнгит Ҳайдаралини яхши танимасдим. У ишлайдиган идора ходимлари уни «оғир табиатли, одамови лекин муомалани билмайди» дейишганда унчалик парво ҳам қилмовдим. Беайб парвардигор дейишадими? Тўйлари ширингина ўтди. Кейин оилавий борди-келдимиз бошланди. Чунки Назирани хотиним синглим деб, у эса аёлимни опа деб билар, қолаверса, мен ҳам у билан бир шаҳарнинг фарзандлари эдик.

Бир кунги Ҳайдарали бизникида тунаб қолди. Тўғриси, ўша кеч хотиним иккимиз ҳам Назира билан қилганидан бол томиб мактадик. Бир вақт Ҳайдарали тўсатдан: — Мақтаган сингилларингиз жудаёқ оппоқ эмас экан, — деб қолди. Биз ҳайрон бўлдик. Ҳолатимизни тушунди, шекилли, Ҳайдаралининг ўзи изоҳ берди:

— Назира менинг қўлимга пок... тушгани йўқ.

Бизнинг ўша пайтдаги аҳвол-руҳимизни тасаввур қилсангиз эди. Назира биз учун сингил бўлмаса-да, кўз ўнгимизда ўсган қиз эмасми, ер ёрилмади, ерга қирмадик.

— Ўша бир-бириимизни синайдиган кечада унинг обрўсини уйлаганим

учун ҳам оёғимни тилиб қон чиқардим ва ўшани янгаларга кўрсатдик, — давом этди Ҳайдарали. — Мана, бир ой бўлди тўйимизга. Лекин чилламиз чиққач, ажрашиб кетсак керак...

Орадан бир-икки ой ўтди. Бу ўртада мен унга қаттиқ тегиб қўймаслик учун Назирага рўпара келишдан ўзимни четга тортиб юрдим. Ҳатто юзма-юз келганда ҳам «яхшимиз»дан нарига ўтмадим. У ҳам мендаги юзак мулозиматини сезган, шекилли, хотинимга менинг муомаладан ҳайрон бўлаётганини айтиб сабабини сўрабди. У-ку бу саволга тайинли жавоб бермаган, лекин уларнинг ўзроқ суҳбати Назиранинг оиласига тақалган, бор сир очилди-қолди.

... Воқеа аслида бундай бўлган эди. Хуллас, тўйдан кейинги кечадаги «имтиҳон»дан ўта олмаган Ҳайдарали ўзининг бутун уюлдошига совуқ ўтиб кетганлиги ва у бунгача ҳам даволаниб юрганига Назирани ишқотиради. Узи аввал бизга сўйлаб бергандек «йўл» тутуди ва янгалар наздида юзи оқ бўлиб тонгда кўчага чиқиб кетади.

Назиранинг аёлим билан сирдошлиги бошқа сир-асрорни ҳам очиб қўйди. Ҳайдарали Назирага деярли кунор ё бир-бировининг айбини айтмай ажрашиш, ё бирортасини топиб, «юраве-риш»ни тақдир қилар, ўзи эса дўхтирма-дўхтир қатнашдан тинмасди.

Ҳайдарали бутун айб ўзидалигини билдирмас, ошкор этмаслик учун хотинини таҳқирлашни, азоб беришни қанда қилмасди. Ҳатто бир бор эркалаш, кўнглини кўтаршига ярамаган Ҳайдарали: «Ҳали ҳам ўзингни осмадиңми? Гап қор қилмас экан-да сенга...» Бензин олиб келиб берайми, ўзингга ўт қўярдинг. Мен сенинг ўрнингда бўлганимда шундай қилардим», «Уйнашинг фалончи экан, бир хонада ўтираркансан. Менга тўйдан илгари айтишувди».

Бундай таҳқир, маломатларни Назира кўтарди. Зўрга топган «бахти»ни йўқотгиси келмади, шекилли. Баъзан у бизга дил ёрганда «ўзгариб қолар, унинг кўнгли ярим» дея эрини оқларди. Ҳатто Ҳайдарали у ҳақда ёмон сўзларни (топганим шу бўлди) айтганини

эшитганда ҳам уни кечирди, кечира олди. Бироқ биз барибир, унга ажрашишни маслаҳат солдик. Йўқ, у маслаҳатимизга қулоқ солмади. Тўғри, бировга «оиланг билан ажраш» дейиш жуда қийин. Лекин бир инсоннинг тақдир, ҳаёти, ифрату қадри оёқ ости бўлаётганига бефарқ қараб туриш ҳам ундан мушкул экан. Айниқса, қадри топалаётган кишининг ўзи бунга бефарқ бўлса, бундан дахшатлироғи бўлмаса керак. Балки Назира Ҳайдаралининг бир кун келиб ўз қилмишлари учун кечирим сўраши, яхши эр, оила бошлиғи бўлишини кутаётгандир. Балки Ҳайдарали ҳам бир кун ўнганлар. Балки... Аммо мен бир нарса аниқ биламан бу таҳқир, маломатларга чидагани учун Назирага Ҳақ таоло ажру савоб бериб йўлини ёруғ қилиши тайин. Лекин Тангри таоло эр бандаларга мурожаат қилар экан, «аёлларингиз билан муомалада юмшоқ бўлинглар», «Эр ўз хотинига меҳр бериши билан эрларнинг улугига айланади», деганини Ҳайдарали билармикин? У Назиранинг қадрига ета олarmiкин? Бир кун келиб Ҳайдарали уни ёмонлиқ қилиб ташлаб кетса Назира қай аҳволга тушишини тасаввур қилолмайман.

Нажмиддин ИКРОМИЙ  
Анджон

Тўлан аканинг ўтган йили рафиқаси қазо қилди. Бундайн дилга яқин айрилиқнинг тафсилоти ёзишга ҳожат бўлмас керак. Шоир қаттиқ изтиробга тушди. Шу изтироб асосида марҳуманинг қирқ кунлик мотаби мобайнида «Гиря» («Қирқ кун достони») яратилди. (Достон «Шарқ юлдузи» жўрналининг яқин ойларида сонда босилади). Мен ҳали шу пайтгача

маган, далага, тегирмонга ўрганмаган бола эдим-да. Ун тўрт ёшдаёқ бошимга турмушнинг ачиқ хивчиллари тегди. Яхшиям онам раҳматли китобга, шеърга меҳримни уйғотган экан. Ҳамзанинг мардикорчилик ҳақидаги ва бошқа халқ ўқишлари вазидаги шеърларини ўқирдим. Уша вақтнинг машҳур шоирларини мутолаа қилардим ва тинимсиз шеър ёзар эдим.

биринчиси адабий муҳитдан узоқ бир қишлоқда, оғир турмуш шароитида ўқиб-ўрганиш, шеър деб аталган нозик «сир»ни англаш, лойиқ бир «гап» айтиш бўлса, иккинчиси, марказда туриб «ҳа, Тўлан Низом ҳам шоирми!» — деб писанд қилмаслик, тўғирроғи, назарга илмаслик муносабати қийнарди. Ростмана ижодкор Тошкентда бўлмоғи керак

ша салбий таъсир қилади. Вақт етмайди. На чора хизмат бурчини ҳам аъло даражада бажармоқ керак, деб ўйлайман. Менинг ҳеч қачон бекорчи бўлган вақтим йўқ. Бундан хурсандман. Ўз ишимдан кўнглим тўлади, элимга, юртимга дастбўр бўлибман. Бундан ортиқ бахт борми кишига.

Мен кимман, ижодим элга наф берадими? Унинг қадрига биров етдимми-йўқми, буни келажак кўрсатади. Ҳеч кимнинг меҳнати зое кетмасин.

— Ижод аҳлидан кимларни ўзинизга дўст деб биласиз!

— Дўстларим сон-саноксиз. Ижодимга бегараз қарайдиган, инсофи бор кишилар менинг чин дўстларимдир.

— Нечта фарзандингиз бор, уларнинг тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор берасиз!

— Фарзандларим олти — тўрт қиз, икки ўғил. Уларни доимо очиқ кўнгли, очиқ қўл бўлишга ундайман.

— Дейлик, бирор фарзандингиз гуноҳ иш қилиб қўйди (Худо сақласин), Сиз унга қандай ғазо берасиз! Шунингдек, болангизнинг ўша гуноҳи таъсири сизга қанча вақтга сезилади, унга нисбатан гина сақлайсизми!

— Фарзанд — ота-онанинг жигарбанди. Қай отаки, ўз боласини ёмонлик бўлишини истайди, дейсиз. Мен фарзандларимни тўғри тарбия қилаётман, деб биламан. Улардан бирортаси кичик бир айб иш қилиб қўйса, виждоним қовурилади. Ундан аразлаб қоламан, уни жазолай дейману қўлимдан келмайди. Койиб қўя қоламан...

— Узингизни яхши ота ёки умуман яхши одам деб биласизми!

## ЯХШИ ОДАМ БҮЛИШ БУЮК ОРЗУИМ

бирор шоирнинг ўз рафиқаси хотирасига бутун бир достон ёзганини эшитмаганман. Бу ҳам бўлса Тўланбой аканинг чин шоирларга хос гўзал қалбидан далолат беради.

Дилкаш шоир Тўлан Низомнинг ижодида отасига, айниқса, онасига бағишланган шеърлар кўп учрайди. Шу боис сўхбатимизни ота-онаси ҳақида бошладик:

— Раҳматли отам Низомиддин Соҳиб ўғли фақир бир деҳқон киши эди. Кетмон билан ишлаб тирикчилик топарди. Урушдан кейинги ҳаётчилик йилларидан отам бизни эсон-омон олиб ўтди. Бешгўл қишлоғидаги ҳовлимизда каттагиёна еримиз бор эди. Отам бечора эртадан то қора кечгача ўша ердан чиқмай, кўйиб-пишиб ишларди. Ерга бир йили оқжўхори, келгуси йили макка экар эдик. Ернинг озгина қисмига қовун, ҳандалак, тарик, ошқоқоқ ҳам экиларди. Саратон сариғининг ойдан кечаларида босволди қовунининг роса пишиб, шира боғлаб «тарс-тарс» ёрилгани эшитилиб турарди. Отам «халқлар доҳийси» Сталин ўлган кунларида 68 ёшида вафот қилди. Тинимсиз оғир меҳнат отамни ҳоритиб қўйган эди.

Онам — Ўғилбиби Нормат қизи содда, меҳнаткаш аёл бўлган. Қувада яшаган пайтларида кунига бир ўзи 350-400 килолаб пахта терган, кейинчалик Сталин ҳузурига чақирилгани, колхўз раисалигига унамай, йиғлаб туриб олгани, унинг урнига қайси бир «очиқ хотин» Кремлга кетганилиги ҳақида онам кўп марта менга сўзлаб бера эди.

Оилада мен ёлғиз ўғил эдим. Икки опам — Обида ва Оминахонлар турмушга чиқиб кетганда, айниқса, таңхоник дилимга ғашлик солган. Ахир отам бор вақтида бир чўпни у ердан бу ерга олиб қўймаган, бир тарашини болта ёки теша билан ёриб ўтин қил-

1952 йили илк шеърим район газетида Тўлан Низом номи остида босилди. Ушанда роса хафта бўлганман, тортиганман — исм-шарифим шоирларга хос бўлганлиги учун, ахир ҳали мен шоир эмасман-ку, деб.

Узоқ киш кечаларида сандалда ўтириб онам иккаламиз гурунлашар эдик. Онам қачонки Зоминга кетиб қолган акасини излаб боргани, поезда чиққани, Ховос деган жойдан Зоминнинг Аччи қишлоғига отда кетгани, минг азоблар билан акасини топиб кўриб келгани, ўзининг етим ўтганлиги, дунёга келиб роҳат нима билмаслигини айтиб йиғлар, мени ҳам йиғлатар эди. Яна мени ўзи юпатар, сўнгра «Гўрўғли», «Алпомиш», «Ерилоташ», «Тоҳир ва Зўҳра» ва бошқа эртақлардан, халқ кўшиқларидан айтиб бера эди. Уларни мен қўлогимга қўйиб олар, ҳеч ким йўғида ўзимча пичирлаб, ўша халқ кўшиғига эргашиб сатрлар тўқир эдим. Менда шеърга ҳавас ана шундай бошланди. Мени шоир қилган устод — бу онам эди. У кишидан қарздорман. Шунинг учун ҳам бутун ижодимни онамга бағишлаганман.

— Отангиз кўпроқ нима деб насихат қилар эди!

— Отам доимо менга, «Кетмон ушлашни ўрган, қорнинг тўяди», — дерди.

— Кўпинча вилоятда яшаган ҳар қандай истеъдодли шоир ёки ёзувчи унчалик машҳур бўлолмайди. Ҳатто пойтахтдаги ижодкорларнинг баъзилари уларни писанд ҳам қилишмайди. Лекин сиз вилоятда яшасангиз ҳам анча машҳурсиз, қаторлашиб катта-катта китобларингиз чиқаяпти. Шу нуқтан назардан ижодкорга муҳитнинг таъсири ҳақида фикрингизни билдирсангиз.

— Мени икки нарсга қийнар эди:

деган тушунча миллий адабиётимизнинг ўз маромида ривожланмай қолишига сабаб бўлди.

Кейинги йилларда «Ой қизлар», «Андижонда бир қўш-бўр», «Муқаддас рух», «Шеър айтгим келаяпти, онажон» номли шеърый китобларим босилиб чиқди. Барча мақтовлардан, турли унволлардан юқорироқ турайдиган бебаҳо бир нарсга бор — бу ижодий жараён. Худо шундан айирмасин.

Ҳалол меҳнат натижаларидан завқли нарсга борми. Сизга шу фикрни айтганим, халқ шоири Омон Матжоннинг қуйидаги сатрларини эсла-дон:

Дилимнинг рангини гул билса бўлди,

Менинг кимлигимни эл билса бўлди.

— Биламизки, сиз ижоддан ташқа-



ри, жамоат ишларида ҳам кўп хизмат қиласиз. Мен бу билан Саида Зуннунова номли муаллимлар билим юртида қилаётган ишларингизни назарда тутяпман. Бу каби масъулиятли ишлар ижод қилишингизга халақит бермайди!

— Жамоат ишлари ижодимга ҳам-

— Йўқ. Тарбияда ҳам, одамларга муносабатда ҳам хатоларим кўп. Яхши ота бўлиш, эл ичиде «яхши одам» деган олий унвонга Худо етказ-сайди!..

Наби ЖАЛОЛИДДИН

### ● АҲМАД ЯССАВИЙ ●

## ҲИКМАТ

Раҳматингдан навмид қилма, мен ғарибни,  
Ором олмай, йиғлаб дуо қилай сенга,  
Кечалари бедор бўлуб, тонг отқунча  
Юмма кўзни, йиғлаб дуо қилай сенга.

Даргоҳингга эмди келиб, белим боғлаб,  
Жон куйдуруб, юрак бағриб тутуб, доғлаб,  
Яқом тутуб, ўтган ишга чандон йиғлаб,  
Ихлос билан йиғлаб дуо қилай сенга.

Кўнгил боғи эканда билмай юрдум,  
Урмим зули ҳазон бўлди, эмди туйдум,  
Дунё ташлаб, дин йўлига қадам қўйдум,  
Ҳазор достон йиғлаб дуо қилай сенга.

Бул йўлларда жонни асраб бўлмас эрмиш,  
Жон асроғон бул йўлларга кирмас эрмиш,  
Суду зиён бўлганини билмас эрмиш,  
Бул ҳол бирлан йиғлаб дуо қилай сенга.

Қул Ҳожа Аҳмад нафе тоғидин чиқиб оштил,  
«Фано филлоҳ» мақомига ёвуқлашти,  
Юрак бағрим жўш урубон, қайнаб тошти,  
Бу ҳол бирла йиғлаб дуо қилай сенга.

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ АДОЛАТЛИ ҲУКМИ

Биз шу пайтгача кўплай байрамларни нишонлардик. Яхшилаб ўйлаб кўрсак, тақ-вишнинг ҳар бир кўни қайсидир байрамга тўғри келар экан. Балиқчилар кўни, шах-тёрлар кўни, қурувчилар кўни ва ҳоказо.

Омавий нишонлаб келганимиз «Улуғ Октябр Социалистик революцияси» байрамининг асл моҳиятини, халқларга тинчлик улашган доҳий Ленин гоёларининг маъзани яқиндан бери англаяпмиз.

«Доҳийларимизнинг» етти ухлаб тушига кирмаган кентларни, кўчаю мактабларни

уларнинг номи билан атаб келдик. Энг яхши кўрган ишоримиз «Яшасин, дўртая», «КПССга шон-шарафлар» эди. Кўчаларда алвон шоирларни, доҳийчаларнинг суратларини кўтариб юришни биз байрам деб ҳисоблардик.

Мустақил бўлмаган элнинг айтар қўшиғи ҳам, чалар сози ҳам бўлмаслигини ниҳоят мустақил бўлгачгина англадик. Ҳақиқий байрамнинг не эканлигини мана энди кўраёпмиз.

Юртдошларимизни мустақиллик кўни — ўзликни англаш байрами билан қўтлай-

миз. Чунки бу байрам бизга ўзликимизни қайтарди. Кентларимиз ва қишлоқларимиз яна ўз номи билан атала бошланди.

Бизнинг Шота Рўставели номли мактабимизга ҳам қишлоғимизнинг оқсоқолларидан бири, Кўдалага бир эмир хизмати синган марҳум Бободўст Шуқуров номи берилди. Мактабимиз жамоаси ушбу хайри ишни мустақилликнинг яна бир адолатли ҳукми деб ҳисоблайдилар.

Рашид БАРОТОВ,  
Эшмурод ҚҲИЛИЕВ

## ҚИЙИНУВ ВА ОЛИФТАГАРЧИЛИК

Ақлли бир хоним қиз ўзини билган бир хотун ёшига, бойлигига ва ўрнига кўра қийинувини ҳам биладур.

Яхши билингизки, хотунларнинг гўзаллиги қийинувда, зийнатда эмасдир. Бир очик юз, бир келишган қиёфа, тоза ва гавадга мос тикилган кийимлар, тоза-ю, пок кўнгилли хотунларни маънавий ҳам моддий гўзал кўрсатишга етарлиқдир. Ақлли хотунлар эса зебу зийнатга берилиб кетмаслар. Чунки одатдан ташқари зийнат, ақл озлигидан далолат бўлиб, оила боши бўлган эр учун бир катта харажат, зўр тангликка тушувига сабаб бўладир.

Аёллар ўзларини, ота-оналарини, эрларини бунинг каби ортиқча харажатлардан сақлашга бурч-

лидирлар. Бу кийим-кечаклар тўғрисида жанжал қилган хотунлар ота-оналарига ёки эрларига нисбатан муҳаббат вафолари йўқ демакдир.

Яхши хотун имкониятига қараб зебу зийнати, яхши кийинишни истайдир, лекин бу қийинув, бу зийнату олифтачилик ҳол, ўрин ва кучга қараб бўлмоғи керак. Халқда ҳар кун бир мода кўринур, лекин ҳар бир кўринган модага эргашмак лозим эмасдир. Мода ҳар ким қия турган, ҳар ким бича турган равишда бўлуви шартдир. Модага эргашиб кулгу бўлурилик қиёфада қийинмак, ёки жуда-жуда тор кийимлар кийиб, бутун аъзоларини ёт эркакларга кўринарлик қилмак ифбатли бир Ислом хоними, хотунлигини сақ-

лай турган хотун учун асло келишмаган ишдир.

Баъзи аёллар бордирки, юзларини ҳар хил упа бирла оқартирар, турли буюёқлар ила лабларини, юзларини бўяйдилар. Юзларини упа ила безамакчи бўлуб териларини бузган ва нимадан ясалгани маълум бўлмаган бир тоқим зарарли сувлар бирла юзларининг гўзал тусини ўзгартган хонимларга қайғуришдан одам ўзини тут олмас. Чунки бундайларнинг юзлари ҳам жуда тез бузиладир, тиришадир ҳамда аввалги гўзалликлар йўқоладир. Гўзалликларнинг энг гўзали содда, табиий гўзаллиқдир.

«Оила сабоқлари»дан

## Дераза

### БИР ЗУМЛИК МИЛЛИОНЕР

Урис телевидениесининг «Поле чудес» ўйинининг 16 июлдаги сонида воронежлик И. К. номли студент ғолиб чиқди. (Дарвоқе, бу курсатув олдиндан ёзиб олиб қўйилади). Омадини қарангки, у финалгача бир миллион, суперўйинда эса «Шанс» лотереяси тақдим этган Русиянинг исталган шаҳридан квартира олиш ҳуқуқини олди.

Асосий томоша эса ўйиндан сўнг «Останкино» меҳмонхонасида бўлди. И. К. «оғзи қулоғида» миллионни жамадонга жойлаб энди уйқуга кетганди, хона эшиги тақиллади. У хурсанд эшикни очди. Кириб келган номмаълум шахслар унинг кўл-оёғини боғлаб миллионни ўғирлаб кетишди. Шу боисдан сиз телевидорда кўрганингизда собиқ миллионерга кўп ҳам ҳавас қилманг.

### ПУЛ БЕРМАГАН СПИД ОЛАДИ

Кения марказида хайр-садақа сўраб юрадиган болалар пул топишининг янги бир турини ўйлаб топишибди. «Стандарт» рўзномасининг хабар беришича, безори болалар пул бермаганларга СПИД беришар экан. Бунинг маъноси, кимда-ким садақа сўровчининг сураганини бермаса у шприс билан юкумли вирус-бор қонни билдирмай укол қилар экан. Маҳаллий ўқувчилар тайёрлаш мактабининг инспектори хайрчи болаларнинг дастлабки қурбони бўлган. Рўзнома болалар юкумли вирусди қон қуйилган шприсларнинг қаердан олишганини аниқлай олмаган. Политсия эса бундай жиноятнинг содир этилганини рад этади. Шундай бўлса-да, Кенияда миллиондан ошиқ СПИД касаллиги билан касалланганларнинг бор эканлиги шубҳасиз, ҳақиқат.

### ХҲРОЗ УРИШТИРУВЧИЛАР ЖАЗОЛАНАДИ

Жанубий Америка политсияси Ирен шаҳарчасидаги хўроз уриштирувчи ҳаваскорларнинг иш ҳаракатларига чек қўйди. Қўлга олинганлар суд олдида жавоб беради. Утган йилнинг апрелида ҳайвонлар тўғрисида қонунга кирган хўроз уриштиришни ташкил этганларгина эмас, шу ўйинни томоша қилганлар ҳам пул жаримаси тўлайди ёки икки йилгача қамоқ ҳужми чиқарилади. Ирен шаҳарчаси политсиясининг рейди пайтида «қонли жанглardan» ҳолсизланган олти миш хўроз топилган. Уларнинг орасида қиймати юз доллардан ошиқ, қамдан-қам учрайдиган хўрозлар ҳам бор.

### МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

## ХИҚМАТЛАР

Беадаб одамлар билан суҳбатдош бўлгандан, ёлғиз ўтирган афзад.

Хулқи бузилганнинг ризқи узилган бўлади.

Таъма ўлаксадир, унга фақат ўлакса табиатли кишиларгина яқинлашади.

Кишининг сўзи қалбидан хабар беради.


Юмшоқлик ва мулоимлик нима? Юмшоқлик ва мулоимлик — ғазаб олови аланга олганда ўзинини тўтиб қолишининг ва бу хислатининг билан ўзининг жоҳил одамларга ўхшашдан сақлаб қолишинингдир.

Энг оғир дард — нодонлик; энг кучли хасталик пасткашлиқдир.

Тил тинч бўлса, дилда ўкинч бўлмайди.

Нодоннинг вақти фойдасиз ўтади.

Тўпловчи: Турғунбой ЭШТОВЕВ



ИНШОЛЛОҲ, МУСЛМОНСАН, БОЛАМ... Абдувоҳид ТУРАЕВ сурати

## Табриқлаймиз!

Яқинда бўлимизга қувончли хабар келди. Оила-103», «Оила-121» абонентдаги йиғит ва қизларимизнинг ўз жуфтларини топиб оила қуришганлигини эшитиб, бағоят хурсанд бўлдик. Биз уларни газетимиз орқали чин юракдан табриқлаб, уяли-жували, бахтли, мустаҳкам оила бўлишларини тилаб қоламиз, «Оила» бўлими.

Газетимизнинг Андижон вилояти бўйича муҳбири НАБИ ЖАЛОЛИДДИННИ суюкли ўғиллари БОБУРМИРЗО, МАНГУБЕРДИ ҳамда ТЕМУРМАЛИКЖОНларнинг суннат тўйи муносабати билан табриқлаймиз. Ушбу ўғлонларга аждодла-

рининг шижоати доимо эш бўлсин. Эл-юрти фахр эта оладиган ажойиб инсон бўлиб улғайсинлар, деб «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ЖАМОАСИ.



6 ёшга тўлаётган азизимиз ШАВКАТЖОН! Тугилган кунинг — дунёга қўтлуг ташрифинг қўтлуг бўлсин. Давадатли ва шавкатли йиғит бўлиб улғайсин. Онанг ДИЛФУЗА ва аканг ШЕРЗОД.

Дўстимиз, ажойиб ёзувчи «Ҳажв гулдастаси», «Шапаолоқ», «Бермуд учбурчаги» каби қатор ҳажвий китоблар муаллифи МУҲАММАД ОЧИЛ!

Сизни қирчиллама 40 ёшиңиз билан қўтлаймиз. Ижодингизга барака, ўзингизга Худо қуваат берсин. Ҳурмат ила дўсту қадрдонларингиз.

Жияним АЗИЗЖОН 26-августда 8 ёшга тўлашининг билан табриқлайман. Сенга омад ёр бўлиб, Оллоҳнинг меҳри ҳамроҳ бўлишни тилайман, Амманг ЗАҲРОХОН Тошкент шаҳри.

### Оила

#### 26 ЕШДА

Ойлам билан ажрашганман. Шахсий ҳовлимда ота-

онам билан яшайман, олий маълумотлиман. Бўйим 170 см. Урта бўйли, буғдойранг, ёки қорачадан келган оёқ-кўли чаққон 26 ёшгача бўлган тошкентлик ўзбек қиз билан танишаман. «Оила-234» сизни кутади.

#### 28 ЕШДА

Сурхондарё вилоятининг Ангор туманиданман. Олий маълумотли айрим сабабларга кўра оилам билан ажрашганман. Ниятим гўзал, оқила, пазаяда, севгисига вафодор 22-25 ёшлардаги олий маълумотли оилам дейдиган қиз билан танишиш, бутун умримни унга бағишлашдир. «Оила-235» хатларингизга мўнтазир.

#### 65 ЕШДА

Андижон вилояти, Асака тумани, Ғалаба жамоа хў-

жалигида истиқомат қиламан. Кампирим вафот этган. Уғил-қизларим уйли-жойли. 40-55 ёшдаги ёлғиз аёл [воёга етмаган бир фарзанди бўлса ҳам майли] билан турмуш қуриш истагимдан. Томорқамдан оладиган даромадим бемалол хўжалик тебратишга етади. Пенсия оламан, машинаман бор. «Оила-236»га мурожаат қилинг.

#### 65 ЕШДА

Агар сизнинг юрагингиз тоза, тўғри сўз, озода уй бекаси бўлолсангиз Сизни айрим сабабларга кўра ажрашган, олий маълумотли, ижодкор, уй-жойи, ҳамма нарчаси муқаммал тошкентлик жаноб излайди. Ўз шахсий ҳовлисидан ёшдан қатъий назар ҳар қандай муслима аёл билан яшашга рози. Бир-иккита фарзанди бўлса янада яхши. «Оила-237»га деб ёзинг.

# • БУ БЎСТОН САҲНИДА •

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД**  
Сурхондарё

Осмон титраб кетди...  
Айри тил илон —  
Чақин ғазабига олди заминни  
Кўнгли бўш булутлар йиғлади чунон,  
Дарахтнинг пойига ғубор бекинди.

Шаффоф юрагимга хиёнат қилиб  
Кўкнинг арзандаси — Кўёш чекинди.  
Саркашу, фитнагар, ҳасадгўй фалак  
Менга раво кўрмас ойни ҳам энди.

Шундоқ ташриф этди, бемаврид туним  
Ҳали кундуз мен-ла ҳишлашмай туриб  
Кора осмон бўлди мингямоқ тўним  
Тонгни кутмай, ночор қисматга кўндим.

**Алишер НАРЗУЛЛО**  
Кофарниҳон

## УЙИМИЗНИ СОҒИНДИМ, ОНА

Сўнги япроқ учди дарахтдан,  
сўнги қўшиқ қолди бўғизда.  
Шамолларнинг узун тили гунг —  
Мўриларнинг иссиқ юзида.

Осмон бир-а-ам... тундлашиб кетди,  
ернинг намчил, балчиқларидан.  
Қабр устида майсалар учди  
Қирқ йиллик умр санчиқларидан...

Кундуз ўқи, тунда ухла деб  
чирғини қилар баҳона.  
Ижарачи хотин пулга ўч,  
уйимизни соғиндим она.

Тош йўлларда куйди оёғим,  
Қишлоқни мен суймадим ёна.  
Қишлоқи бир йигитни бунда  
қишлоқи қиз алдади она...

## ЭСКИ ҚЎШИҚ

Куз. Баргерезон. Чатнаган япроқ,  
гувала уй, йўллар тошлоқи —  
азоблари суякка ботди  
ухлаб ётар Ўзбек қишлоғи.

Олмазорлар касалдек дардманд,  
сигдирмади мени бағрига.  
Ўрикларга гўё кўз теккан  
тортиб кетмас нечун қаърига?

Гузларларда чўккан тераклар —  
томоғимда тиқилган бир сас.  
Сени эрга узатган асли  
Кора амманг бўлди Муқаддас...

Эркаклардек чекар эди у,  
Сен қуярдинг: «ёлғиз-да, қаранг»  
Қирққа кириб эрга чиқмаган  
падарига ҳе... ўша амманг...

Кўкрагимдан итарар шамол,  
эрсиз амманг қаргайди мени —  
Оққушларнинг қанотларида  
Олиб кетсам бир кун мен сени...

...Хайр туйғулар, хайр хотиралар,  
Хайр баргерезон, гувала уйла (р),  
Ўзбек қишлоқ сайхонларида  
бир қўшиқ бор Муқаддас куйла (р)

**Раҳматхонов ТОИР**  
Тошкент

... га

Армоннинг суратин чизмоқчи бўлиб  
Қўлимга мўйқалам олдим, аммо  
Ишимни тўхтатди, ахир армоннинг  
Кўриниши қандай деган муаммо.

Хаёл олиб қочди, жисмим заминда,  
Рухим йироқларда учиб юрарди,  
Хушимга келиб мен қоғозга  
боқсам  
Унда сенинг суратинг кулиб  
турарди.



**Сафия ДИЛХУН**  
Қашқадарё

... га

Аразиниз кўзларимга сурма қилай,  
Кўнгул гул деб минг бор ўлиб минг  
тирилай,  
Сизга ёлғиз Мен қалампир мунчоқ  
бўлай —  
Аразларда жоним қолиб кетсин Менинг!

Афсун ўқинг, айланайин мажнунтолга,  
Алла айтай бизни севган бўлакқорга,  
Армон бўлай Менга армон бўлган ёрга —  
Афсунларда жоним қолиб кетсин Менинг!

Кетинг, фақат дилим қайтиб бериб кетинг,  
Суйган кўнгул Кўз ёшини кўриб кетинг,  
Телба дилни бир шапалоқ уриб кетинг —  
Кўз ёшларда жоним қолиб кетсин Менинг!

Йиғлай-йиғлай тоғ, тошларга эртақ айтай,  
Ташлаб кетинг, қорақошим Ойга етай,  
Қалбингизга ёмғир бўлиб сингиб кетай —  
Ёмғирларда жоним қолиб кетсин Менинг!

Ўзгаларга сизинмадим сиз бор учун,  
Суйдим ишқу-ошиқ деган сўз бор учун,  
Шукр қилинг яккабоғлик қиз бор учун —  
Ўзингизда жоним қолиб кетсин Менинг!

Ётар энди араз қилмай бери келинг,  
Ёр бўлсангиз ҳижронлардан юлиб олинг,  
Ялнгирманг, битта, қани битта кулинг, —  
Кулгингизда жоним қолиб кетсин Менинг!

**Ҳамроз АЛИ**  
Бухоро

## ШАМОЛЛАРДАН СЎРАДИМ ШАФҚАТ...

Шамс ботади замин бағрига,  
Тун қанотин юборар ёйиб.  
Чирилдоқлар алла айтади,  
Ором олар майсалар тўйиб.  
Мажнунтолнинг қўлларин ушлаб,  
Қайларгадир ошиққади сой.  
Ўпилмаган ибодил қизнинг,  
Ёноғига ўхшаб чиқар ой.  
Атиреулнинг гулларин тўқар,  
Бетоқат елларнинг ингроғи.  
Сокин оқшом тинчини бузар,  
Шитирлаган дарахт япроғи.  
Майсалар тилига қўнади шудринг,  
Титраган томчилар митти ҳаяжон.  
Тун бағрига кетсайди сингиб,  
Сочларимга оқ солган ҳижрон.  
Юлдузлар сўнади, оқаради тонг,  
Ҳолсиз тунда тугайди бардош.  
Тонгнинг оппоқ сийналарига  
Номозшомгул ухлар қўйиб вош...

**Ойбек Исмоилов**  
Бухоро

## ЎРТАНИШ

Ғижим тўшақ харсанг каби  
Ботар эту — суякка.  
Суйганим тўй ёр-ёрлари  
Урлар осмон-фалакка.

«Оҳ» тортаман оҳимдан  
Сарғаяди деворлар,  
Қани тина қолсайди,  
Тинсайди-е ёр-ёрлар.

Юрак қўрғур тунд ва ғаш,  
Ичмас томир қонини.  
Нақ юракка бостириб  
Келар тўйнинг шовқини...

Ва ниҳоят элиғди,  
Совуқ таскин, алдовлар.  
Бир кеча оташидан  
Кўнди сочга қировлар...

**Абдул Азиз ОРИФ. Фарғона**

Ер юзида аканг  
Осмонда аканг  
Ҳар эшикда  
тешикда  
ва  
ҳар кавакда акаларинг сероб  
Қандингни ур,  
яшайвер бекам

Ноумид шайтон  
Лекин  
Ҳамма нарсадан ҳам умид  
қилаверасанми

Ялтоқ,

**Зарбуви АЛҚАРОВА**  
Самарқанд

Биллур жисмим узра увада бир  
руҳ,

Нигоҳим синдираб, сўзим  
синдираб,  
Қалава ўрайди, гамнинг иплари  
Боғлами жисмимни куйдираб.

Тонг узоқ, мен туннинг  
қирқимларида,  
Минг битта бўлакка сочилиб

кетгум,  
Умрнинг ярмида шўх кулгум хаста  
Гамнинг кўзларига ўзимни экдим.

Қадамим йиғлайди, ер тўла кўз ёш,  
Гуллар кўз ёшимга тутар рўмолча,  
Мендан ҳамон йироқ кетасан қўёш,  
Деразмандан маюс боқар олуца.

Тармоқ тўлқинларнинг елкани  
оғир,

Эшак қўлларимдан сирпанаб  
чиқар,  
Энди кўчаларда дардим ҳам сағир,  
Дард-олов, тутуни умримни ёқар.  
Мендан ҳамон йироқ кетасан  
қўёш...

**Баҳриддин Абду Саид.**  
**Жиззах**

Гуллар менга хиёнат қилди,  
Ўлсам вафо қилмайди руҳим.  
Улим бордир ҳар бошда... аммо,  
Айрилиқдан қўрқаман гулим.

Соғинч эғаллаган руҳимни,  
Висол бу кеч қолди бечироқ.  
Ойсиз тунда ғафлатда қолиб,  
Ҳижрон билан бўлибди ҳамроҳ.

Бир кун  
Висол бизни ахтариб топар,  
Ҳижрон танни тарк ётар ишон.  
Кўз ёшлари дарёдай оқиб,  
Армон йиғлар йўлакда ҳайрон.



# ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Учинчи қаватда Шариф пиён деган киши яшайди. Унинг ғалати одати бор. Ичиб келган кунни уйига кирасолиб оёғидаги ботинкасини ечади, деворга қараб иргитади. Шунда девор икки марта гумбурлаб кетади. «Ер қимирляпти» деб кўшниллар юрагини ҳовучлаб қолади. «Учир!» деган таҳдидли зугум эшитилгач, бу Шариф пиёнлигини билиб қолишади. «Бу қилиғингни ташла» деб, аввалига кўшниллар биргалашиб «пўстагини қоқдик». (Мастлигида эмас, хушёрлигида албатта.) У гуноҳини бўйнига олиб, бизлардан кечирим сўради ва бошқа бу номаъқулчиликни такрорлашмаслиққа ваъда берди. Орадан икки кун ўтар-ўтмас яна ўша-ўша... Бу сафар «дом» дағилар йиғилишиб ўртага олди.

Гапирмаган одам қолмади. У бўлса мум тишлаб тураверди. Охири хотини Дўрсагул унинг номидан йиғилганлардан кечирим сўради. Йиғлаб-сиқтаб ҳамманинг кўнглини юмшатди. Биз уни кечирдик.

Шу гаплардан кейин бу одатини ташласа керак деб ўйлаган эдик, йўқ, ўрганган кўнгилик... орадан икки кун ўтгач, яна ўша гумбурлаш ва «учир» деган таниш овоз.

Тоқатимиз тоқ бўлди. «Бўл-бўлди, бўлмаса кўчириб «амиз» деган жаҳд билан унинг масаласини «Маҳалла кўмитаси»да кўндаланг қўйдик. Кўпчилик орасида айтилмаган гап қолмади. Айтилган гапларни бешинчи қаватдаги Света опанинг куччаси эшитганда уйдан бош олиб кетган бўларди. Яна ким билади дейсиз?

Минг қилса ҳам орияти бор экан. Хўнграб йиғлади. Эркак йиғласа тош ҳам эрийди, деганларидай ўтирганларнинг кўнгли ийиди. Панднасиҳат билан чегараланиб қолишди...

Кеча ўртоғимнинг тўйига бориб, ўша ерда қолиб кетдим. Буқуниси уйга келсам, кўшниллар Шариф пиённи ўртага олиб папалашяпти. Нима гап деб сўрасам, иккинчи қаватдаги Тўса хола: «Бунинг бу кечаси ҳам ухлатмай чиқди!» деди. Шариф пиён эсе:

— Тўғри, кеча ичиб келдим,— деди гуноҳига иқрор бўлиб.— Ботинкамнинг бир пойини ечиб деворга иргитдим, иккинчисини ҳам иргитмоқчи эдим, бирдан сизларга берган ваъдам эсимга тушиб, иккинчи пойини секингина ерга қўйдим ва тинчгина кўрпанинг тагига кириб ётдим...

— Тўғри,— деди Тўса хола унинг гапларини тасдиқлаб,— сен бир пой ботинкагни отдинг. Нега иккинчи пойини кетма-кет отмадинг?! «Бу қачон иккинчи пойини отаркан» деб, эрта-лабгача ухламай чиқдик! Шу ҳам инсофданми?

— Бу ишингиз яхшимас,— деди тўртинчи қаватдаги Қўзбой тоға.— Бундан кейин бу ишни минбаъд қилманг! Раз бир пойини отдингизми, иккинчисини ҳам отинг. Биласиз-ку, ҳаммамиз икки марта гумбурлашга ўрганиб қолганмиз...

Кўшниллар бу гапни маъқуллашди... Ана, отди, ҳозир иккинчисини ҳам отади...

И. З. БУХОРИЙ

Музейга келувчилардан бири тасодифан вазани синдириб қўйди.

— Эссиз, 17-асрда ясалган эди-я! — инграб юборди музей ходимаси алам билан.

— Э, шундай демайсизми! Мен янги вазани синдириб қўйдим деб ўтакам ёрилиб кетди.

— Кеча врач билан учрашишим керак деб мендан рўхсат олиб кетган эдингиз. Аммо сизни ёш бир йиғит билан барда кўрдим-ку! — зугум қилди директор.

— Тўғри, ўша киши врач эди.

## ЛАТИФА

— Бунча тушкунликка тушиб қолдинг? Қовоғингдан қор ёғади.

— Севғалимга ҳар кунни хатлар ёзардим. У эса... пўчгачи билан никоҳдан ўйбонди.

— Отажон, мен уни севиб қолдим. Усиз дунё кўзимга қоронғу!

— Бўлмайди. Унинг ҳеч вақоси йўқ. На бойлиги, на касб-кори бор. У сени бахтиёр қила олмайди.

— Ахир, онажон, у бутун заминни оёғим остига ташламоқчи!

— Оёғинг остида етарлича ер бор. Вошинг устига том керак, қизим.

У. НУРМАТОВ

## • АҚДАН... •

Супурги нима учун бурчакда туради?

(*нйль пнэггдог тоо нвртндпнйр*)  
Одамнинг ишлагиси келмаса, нима қилиши керак?

(*хвддм пнвнхй гнлз*)  
Лайлак нима учун битта оёғида туради?

(*пнртнл гнлнлпн псдсллж пнпнлнлжнл*)  
Эчки олти ёшга киргандан кейин нима бўлади?

(*пнрпдкж агтлз*)  
Битта итда нечта дум бўлиши мумкин?

(*Блртл*)  
Тухумнинг эркак ёки ургочилигини қандай билиш мумкин?

(*дпнлжнл пнлпг пнвнл тнлх*)  
Ёмғир ёққанда қурбака нима учун сувга тушиб кетади?

(*нйль пнлвзвнлр влх плзл*)  
Ақли йўқ одамнинг ҳам ақли озини мумкинми?

(*Мнжнл ақн кнрвнл*)  
Тушда кўрилган фойдалан солиқ тўламаслик учун нима қилиш керак?

(*хвддм пнлпнл пнлпнл*)  
Афанда ёшлигида ҳам афанди бўлганми?

(*гнпнлпнлр днлпнл*)  
Уста ПУУДК

## • БАҚДАН... •

Кўндан-Ойдан сўрайман,  
Пастдан-сойдан сўрайман.

Жонибек СУБХОННИНГ  
«Сўрайман» шеърдан.

Кундан-тундан сўрайман,

Ундан-бундан сўрайман.

Тамакидан тутатиб,

Сўнг тутундан сўрайман.

Сўрайман итмидан ҳам,

Сувғимга ёлишган

Чимчилаб этмидан ҳам.

Тикиламан кўзимга,

Ишончим йўқ сўзимга.

Кўрсам ҳам кўрмадим деб

Панд берман ўзимга.

Одатини қўймайман,

Сўрама деганларни

Еқтирмайман, сўймайман.

Кундан-тундан сўрайман,


Ундан-бундан сўрайман.

Тамакидан тутатиб,

Сўнг тутундан сўрайман.

Абдураззоқ Обруй

## СЎРАЙВЕРАМАН



Муаллиф: А. АБДУРАҲМОНОВ

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Кулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон  
ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Мухаббат ИБОДОВА,

Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир  
ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом  
УСАНОВ, Урол ҲЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Аб-  
думуталиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Мубо-  
рак туманидаги «Хитой» давлат хўналоги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрика-  
сис. Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаро-  
лар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиз-  
дан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.  
Телефон: 39-43-95.

Урол ҲЗБЕК навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33.  
Буюртма № Г-505. 23.389 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми,  
2 босма табоқ.

Илҳом ЗОЙИРОВ

## ТТТ ДЕВОРИДАГИ • ЭЪЛОНЛАР •

Тижорат дўконларининг сотувчи-  
лари диққатига!

Ақл ва идрокимни виждонга алмаш-  
тираман! Куннинг хоҳлаган вақтида  
қўнғироқ қилишингиз мумкин. Тел.

«Тошболта» тижорат дўконига қо-  
ровул (Олий маълумотли бўлса ҳам  
бўлаверади), ва олий маълумотли  
сотувчи (Қоровул бўлса ҳам бўлаве-  
ради) ишга тақлиф қилинади.

Шаҳардаги уч хонали уйимни қиш-  
лоқдаги ҳовлига алмаштираман. Теле-  
фоним йўқлиги сабабли кеч соат  
бешдан кейин уйимга келишингиз  
мумкин. Эшигимдаги қўнғироғим ҳам  
ишламайди. Шунинг учун эшикни уч  
марта тақиллатсангиз қифон.

Битта янги кийимини учта эски  
кийимга айрибошлайман. Навбатга  
туришга тоқатим йўқ, шунинг учун  
навбатсиз бўлсин. Кечқурун соат  
еттидан саккизгача уйимда бўламан.